

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

14-сон
(202)
2006 й.
апрель

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

109. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 3 апрелдаги ЎРҚ–27-сон Қонуни
110. «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда содалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрелдаги ЎРҚ–28-сон Қонуни
111. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрелдаги ЎРҚ–29-сон Қонуни
112. «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрелдаги ЎРҚ–30-сон Қонуни

113. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари содда-лаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-31-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

114. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сон Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 апрелдаги ПФ-3730-сон Фармони
115. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 апрелдаги ПҚ-316-сон қарори

Учинчи бўлим

116. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси фаолиятининг айрим масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 мартдаги 53-сон қарори

Бешинчи бўлим

117. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 2 мартдаги 25 ва 218-В-5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 апрелда 1149-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
118. «Почтани ҳавода ташишда почта юк хатлари шаклини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006 йил 16 мартдаги 01-61/3 ва 01-8/915-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 апрелда 1556-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
119. «Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2006 йил 13 мартдаги 81-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 апрелда 1557-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
120. «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва

рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2006 йил 10 февралдаги 42-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 4 апрелда 1558-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

121. «Спорт-жисмоний тарбия клублари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг 2006 йил 10 февралдаги 85-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 4 апрелда 1559-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 1 апрелдан 7 апрелгача бўлган маълумот

+

-

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

109 «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2005 йил 10 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги 425–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) **4-моддасининг 2** ва **3-бандлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Қуйидаги давлат мулки объектлари давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида ер (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

2) маданий мерос объектлари, давлат фондларини киритган ҳолда, шу жумладан китобларнинг, кино, фото ва фоноҳужжатлар, архивлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг фондлари, музейлар ва музей бойликлари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, валюта захирасининг, давлат мақсадли жамғармаларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маблағлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг олтин захираси;

4) пул муомаласи бўйича хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари, қимматли қоғозларни, орденларни, медалларни ва почта тўлови белгиларини ишлаб чиқаришни таъминловчи корхоналар ва ташкилотлар;

5) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари, муассасалари ва ҳарбий-техникавий мол-мулки (саноатда қайта ишлов берилгунига қадар, шунингдек саноатда қайта ишлов берилиши мумкин бўлмаган мол-мулк);

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 4 апрелда эълон қилинган.

6) ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб боровчи, рентген ускуналари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

7) радиоактив моддаларни кавлаб олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, қайта иш-лашни, радиоактив чиқиндиларни кўмиш, уран ва бошқа бўлинувчи материаллар-ни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

8) қурол-яроғ ва ўқ-дорилар, химоя воситалари, ҳарбий техника, эҳтиёт қисм-лар, бутловчи қисмлар ва улар учун асбоб-ускуналар, портловчи моддалар, пиро-техника маҳсулотлари, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материал-лар ва ускуналар ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар;

9) овчилик ва спорт соҳасида фойдаланиладиган ўқотар қуроллар ва ўқ-дори-лар, шунингдек тиф қурол (совға тарзидаги миллий пичоқлар бундан мустасно) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва таш-килотлар;

10) кучли таъсир этадиган заҳарлар, гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли мод-далар ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинлар экувчи, етиштирувчи ва уларга қайта ишлов берувчи корхоналар;

11) Ўзбекистон Республикасининг давлат захиралари. Фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик мақсадидаги объектлар ҳамда мол-мулк;

12) атом энергетикаси объектларини (ускуналари, тизимлари ва аппаратлари-ни ўрнатиш) ва стратегик аҳамиятдаги объектларни қуриш ва монтаж қилиш ишла-рини олиб бориш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлашни амалга оширув-чи ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар;

13) портлаш хавфи бўлган ва заҳарли моддаларни ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар;

14) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари. Ҳарбийлаштирилган авто-колонналар;

15) санитария-эпидемиология станциялари. Суд-тиббий экспертизаси бюрола-ри. Атроф муҳит ҳолатини назорат қилувчи ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи хизматлар;

16) даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари, жазони ижро этиш муассасалари-нинг корхоналари;

17) махсус вазифаларни бажарадиган корхоналар (Республика махсус алоқа узели, 15361 рақамли Ҳарбий қисм, Электромагнит мослик маркази);

18) қабристонлар.

3. Қўйидаги давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва ху-сусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амал-га оширилади (ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мус-тасно):

1) асосий фондларининг баланс қиймати (2005 йил 1 январь ҳолатига кўра) бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган корхоналар;

2) қимматбаҳо, нодир металллар, қимматбаҳо тошларни кавлаб олиш ҳамда қайта ишлаш корхоналари;

3) саноатнинг таянч тармоқлари: ёқилғи-энергетика, кончилик, машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш мажмуаларининг корхоналари ва ташкилотлари. Нефть,

газ ва кўмир қазиб чиқариш, қудуқлар бурғулаш корхоналари ва ташкилотлари. Магистрал нефть қувурлари ва газ қувурлари, нефть маҳсулотларини оқизма ҳолда етказиб берадиган қувурлар, электр ва иссиқлик ҳосил қилувчи станциялар ва ҳудудий қозонхоналар, тизим ҳосил этадиган электр тармоқлари. Автомобилларга ёнилғи қуйиш ва газ тўлдириш станциялари;

4) кимё корхоналари (гербицидлар, минерал ўғитлар, синтетик толалар, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда ишлатиладиган заҳарли кимёвий дорилар ва шу кабиларни ишлаб чиқариш);

5) фармацевтика саноати ҳамда тиббий-биологик дори-дармонлар саноати корхоналари;

6) электр алоқаси корхоналари, телевизион, радио қабул қилиш ва радио уза тиш марказлари ҳамда уларнинг муҳандислик иншоотлари;

7) ракета-космик мажмуалари, алоқа тизимлари ва уларни бошқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

8) матбаа корхоналари ва нашриётлар;

9) ахборот ва телеграф агентликлари;

10) шифрлашда ишлатиладиган техникани ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш ва ундан фойдаланишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

11) стандартлаштириш ва метрология корхоналари ҳамда ташкилотлари;

12) таваккалчилик хавфи юқори бўлган объектлар ҳамда ички ва ташқи хавфхатари бор ишлаб чиқариш объектлари (ушбу модданинг 2-банди 12-кичик бандида кўрсатиб ўтилган объектлар бундан мустасно) қуриш ҳамда улардан фойдаланишни, улар учун ускуналар, назорат қилиш ва фалокатларнинг олдини олиш тизимларини тайёрлашни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

13) ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқловчи, ёнғиндан огоҳлантирувчи ва қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантиришга мўлжалланган сигнал бериш воситаларини лойиҳалаш, таъмирлаш, монтаж қилиш, соzлашни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

14) сув хўжалиги ҳамда мелиорация тизимларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар, авария-қутқарув кемалари, гидротехника иншоотларини техник назорат қилиш кемалари;

15) муҳандислик инфратузилмаси объектлари: туман марказлари ва шаҳарларнинг электр, иссиқлик ва газ таъминоти, водопровод-канализация хўжалиги, ташқи ёритиш, ташқи ободонлаштириш объектлари, шунингдек бундай объектларни лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишни амалга оширувчи корхоналар;

16) темир йўл, ҳаво ва дарё транспортида йўловчилар ҳамда юклар ташишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

17) шаҳарда йўловчилар ташишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

18) вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг олий, ўрта махсус ва касбхуна қўқув юртлари, шунингдек умумтаълим муассасалари;

19) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг ташкилотлари. Давлат илмий марказлари;

20) давлат наслчилиқ хўжалиқлари ва фермалари, от заводлари, элита-уруғчи-

лик хўжаликлари, уруғчилик ва селекция станциялари, давлат уруғчилик инспекциялари ва қишлоқ хўжалик экинларининг технологик сифатини баҳолаш лабораториялари, нав синов станциялари ва участкалари;

21) почта алоқаси корхоналари;

22) ўрмон хўжалигининг, геология, картография-геодезия, гидрометеорология хизмати корхоналари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг ахборот марказлари;

23) саноатнинг каттиқ чиқиндилари ва рўзгор чиқиндилари кўмиладиган майдонлар, бинолар, иншоотлар ва кўмиш учун керакли ускуналар, чорва моллар кўмиладиган жойлар;

24) машина синаш станциялари, элеваторлар, музлаткичхоналар, омбор хўжалиги объектлари;

25) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган давлат санаторий-курорт хўжаликлари;

26) концерт-томоша кўрсатиш муассасаларининг корхоналари ва объектлари, кинолаштириш объектлари, шунингдек кутубхоналар ва ўқув заллари;

27) соғлиқни сақлаш муассасалари;

28) ветеринария хизмати, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати корхоналари ва муассасалари;

29) ногиронлар, қариялар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилмаган бошқа тоифалари қаровда бўладиган уйлар ва интернатлар;

30) болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг соғломлаштириш муассасалари;

31) маросимлар ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар».

2-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «**Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида**»ги 119–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 194-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 82–II-сонли Қонунининг **XX бўлими** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил № 5-6, 153-модда).

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 3 апрель,
ЎРҚ–27-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

110 Тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2005 йил 26 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 734–XII-сонли Қонуни (2000 йил 26 майда қабул қилинган 78–II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) **23-моддаси биринчи қисмининг: саккизинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин; **тўққизинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **54-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган тугатиш комиссиясини (тугатувчини) тайинлайдилар ҳамда ушбу Кодексга мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатларини белгилайдилар. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатиш комиссияси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланади»;

2) **55-модданинг:**

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оралиқ тугатиш баланси юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган томонидан тасдиқланади. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, оралиқ тугатиш баланси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади»;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугаганидан кейин тугатиш комиссия-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 5 апрелда эълон қилинган.

си тугатиш балансини тузади, уни юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган тасдиқлайди. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатиш баланси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **101-модданинг:**

учинчи қисмидаги «рўйхатга олишни амалга оширувчи орган билан келишган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи қисмидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

2) **102-модданинг тўртинчи ва еттинчи қисмларидаги** «тугатилаётган жамиятни давлат рўйхатидан ўтказган орган билан келишилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган 548–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **65-моддасининг биринчи қисмидаги иккинчи жумла** чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Реклама тўғрисида**»ги 723–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда) **21-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рекламани почта жўнатмалари орқали тарқатиш белгиланган тартибда шартнома асосида амалга оширилади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Баҳолаш фаолияти тўғрисида**»ги 811–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 208-модда) **13-моддасининг учинчи қисмидаги** «тартиб рақами ва лицензия берилган сана, уни берган орган, шунингдек мазкур лицензия қайси муддатга берилганлиги кўрсатилган ҳолда» деган сўзлар «тартиб рақами, лицензия берилган сана ва уни берган орган кўрсатилган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**»ги 71–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 142-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензия даъвогарининг аризасида кўрсатилган муддатга берилади. Қонун ҳужжатларида лицензиянинг чекланган амал қилиш муддати белгиланиши мумкин, лекин бу муддат беш йилдан кам бўлмаслиги лозим»;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **14-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ҳамда фаолиятнинг мазкур тури» деган сўзлар «шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг мазкур тури» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **19-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чекланган амал қилиш муддатига бериладиган лицензиялар учун — лицензиянинг амал қилиш муддати»;

4) **25-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чекланган амал қилиш муддатига бериладиган лицензиялар учун — лицензияларнинг амал қилиш муддатлари»;

5) **26-модданинг учинчи қисмидаги иккинчи жумла** чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Улгуржи савдо».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда) **55-моддасининг:**

тўртинчи қисмидаги «юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи қисмидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

10-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 апрель,
ЎРҚ–28-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

111 «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2005 йил 27 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги 355–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 65-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит уюшмаси кредитлар бериш ҳамда бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилотидир»;

2) **4-модданинг учинчи қисми:**

биринчи хатбошиси «лицензия берилиши учун» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ёки унинг ҳудудий бошқармасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилган ҳолдаги рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза»;

3) **5-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчига рад этиш сабаблари ҳамда ариза берувчи мазкур сабабларни бартараф қилиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма равишда юборилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ариза барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан кўпи билан ўн кун муддатда амалга оширилади. Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган ариза янгитдан берилган ҳисобланади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) **6-модданинг:**

биринчи қисмидаги «молиявий операциялар» деган сўзлар «молиявий ва касса операциялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

кредит уюшмаларининг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини текширади;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 6 апрелда эълон қилинган.

кредит уюшмаларининг фаолияти тўғрисида ахборот олади;
кредит уюшмаларининг фаолиятини текширади;
кредит уюшмасининг фаолиятини аудитдан ўтказишга доир талабларни белгилайди;

кредит уюшмаларига уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;
ижро этувчи орган раҳбарларининг малакасига доир талабларни белгилайди;
молиявий операциялар ўтказилишини олти ойгача бўлган муддатга чеклайди, шунингдек филиаллар тузишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўяди;
кредит уюшмаси лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туради, тугатади ёки лицензияни бекор қилади»;

5) **10-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ўз аъзолари билан лизинг операцияларини амалга ошириш;

ўз фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадларида уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган тартибда филиаллар тузиш»;

6) **11-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«молиявий ва касса операциялари ўтказишнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган қоидаларига риоя қилишга»;

учинчи—олтинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи—еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошиси «эълон қилиш ва» деган сўзлардан кейин «ўз вақтида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **19-модда биринчи қисмининг:**

учинчи хатбошиси «шунингдек тўлов миқдорлари ва муддатларини белгилайди» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи ва **олтинчи хатбошиларидаги** «кредит қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **21-модданинг бешинчи қисми:**

олтинчи хатбошиси «органи» деган сўздан кейин «хамда кредит қўмитасини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«кредит уюшмасининг бўлинмалари тўғрисидаги низомни, шунингдек сметаси ва штатлар жадвалини тасдиқлаш;

кредит уюшмасининг филиалларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш»;

еттинчи ва **саккизинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

9) **22-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро этувчи орган раҳбари ва ходимлари кредит уюшмаси билан меҳнат шартномаси тузадилар. Кредит уюшмаси номидан кредит уюшмаси ва ижро этувчи орган раҳбари ўртасидаги меҳнат шартномасини кенгаш раиси имзолайди. Кредит уюшмаси номидан меҳнат шартномаларини ижро этувчи орган раҳбари имзолайди»;

10) **23-модданинг иккинчи қисмидаги** «аъзоларининг умумий йиғилиши»

ва «бошқа органларининг» деган сўзлар тегишинча «кенгаши» ҳамда «кенгаши ва тафтиш комиссиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **25-модда учинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кредит, шунингдек кредит уюшмаси аъзоси бўлмаган шахсларнинг кафиллиги ёки кафолат билан таъминланиши мумкин».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 апрель,
ЎРҚ-29-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

112 Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2005 йил 16 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 24 февралда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Автоматлаштирилган банк тизими

Автоматлаштирилган банк тизими банк фаолияти соҳасида ахборотни тўплаш,

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 7 апрелда эълон қилинган.

сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш учун мўлжалланган ахборот тизимидир.

4-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилишнинг мақсадлари

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

банкларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва банк сирини муҳофаза қилиш;

ахборотнинг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва ундан ўзгача тарзда рухсатсиз фойдаланилиши, шунингдек нусха олиншининг ҳамда автоматлаштирилган банк тизимида бошқача шаклдаги аралашувларнинг олдини олиш.

5-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотнинг муҳофаза қилинишини ташкил этиш

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотнинг муҳофаза қилинишини ташкил этиш:

ахборотни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя этиш, шунингдек автоматлаштирилган банк тизимида ишлов бериладиган ахборотни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

сертификатланган техника воситалари ва ахборотни муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланиш;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборот тўплашга доир фаолиятни ва унга ишлов бериш усулларида фойдаланишни мувофиқлаштириш йўли билан амалга оширилади.

6-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан фойдаланиш

Автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи автоматлаштирилган банк тизимида ахборот мулкдорининг рухсати билан ахборотдан фойдаланади.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан ахборот мулкдорининг рухсатсиз фойдаланишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7-модда. Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори юридик шахс бўлиши керак.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори ахборот мулкдори ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиради.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори ахборот мулкдорини ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчини автоматлаштирилган банк тизимида ахборотга ишлов бериш усулларидаги ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хабардор қилиши, ахборот мулкдори ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи эса таклиф этилган ишлов бериш усулларидаги қўлланилишига рози эканлигини ва эътирозлари йўқлигини тасдиқлаши шарт.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ахборотнинг муҳофаза қили-

нишини таъминлаши ҳамда ахборот мулкдорини унинг ахбороти муҳофазаси бузилишининг барча ҳоллари тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори давлат сирларини ўз ичига олган ёки махфий ҳисобланган ахборотнинг муҳофаза қилинишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда таъминлаши шарт.

8-модда. Автоматлаштирилган банк тизимидаги техника воситаларини сертификатлаштириш

Автоматлаштирилган банк тизимидаги техника воситаларини, шунингдек бу тизимнинг давлат сирларини ўз ичига олган ёки махфий ҳисобланган ахборотга ишлов берувчи муҳофаза воситаларини (шу жумладан криптография воситаларини) сертификатлаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва банкларда автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилиши керак.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати:

ахборотнинг сақланишини таъминлаш устидан назоратни ташкил этади;

ахборотни муҳофаза қилиш масалаларида услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тизимини лойиҳалаш, синовдан ўтказиш ва қабул қилиб олишда иштирок этади;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан рухсатсиз фойдаланишга уринишлар бўлганлиги, унга бошқача шаклда аралашилганлиги аниқланганда ҳамда тизимнинг ишлаш қоидалари бузилганда мазкур тизимдаги ахборотни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўради;

ахборотни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг ҳолати ва самарадорлигини таҳлил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

10-модда. Низоларни ҳал этиш

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

11-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

12-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 апрель,
ЎРҚ-30-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

113 Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2005 йил 13 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 24 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «**Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида**»ги 1006–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 50-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 5-модда иккинчи қисмининг:

бешинчи хатбошиси «ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «шунингдек озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда бундай маҳсулотни тайёрлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 10-модданинг учинчи қисмидаги «давлат бошқарувининг тегишли органи бундай талабномаларни кечиктирмай ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт» деган сўзлар «Ўзстандарт» агентлиги давлат бошқарувининг тегишли органлари билан биргаликда бундай талабномаларнинг кечиктирмай ишлаб чиқилиши ва амалга киритилишини таъминлайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Уруғчилик тўғрисида**»ги 267–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 130-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда) **1-моддасининг учинчи хатбошисидаги** «сертификатланган (репродукцион) уруғликлар» деган сўзлар «репродукцион уруғликлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «**Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида**»ги 483–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) **6-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан давлат санитария назорати органлари берадиган гигиена сертификати асосида» деган сўзлар «гигиена сертификата берилаётганда давлат санитария назорати органлари томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 8 апрелда эълон қилинган.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Темир йўл транспорти тўғрисида**»ги 766–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 118-модда) **21-моддаси:**

иккинчи қисмидаги «ҳамда қонун ҳужжатларига биноан мазкур талабларга мувофиқликка доир мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказилиши зарур» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Темир йўл транспорти фаолиятида фойдаланиладиган техника воситалари ва механизмларни, шунингдек кўрсатиладиган хизматларни сертификатлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

учинчи—тўққизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи—ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида**»ги 818–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 215-модда) **12-моддаси** «талабларига мос бўлиши ҳамда» деган сўзлардан кейин «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Телекоммуникациялар тўғрисида**»ги 822–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда) **10-моддасидаги** «барча» деган сўз чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Туризм тўғрисида**»ги 830–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 227-модда) **10-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 апрель,
ЎРҚ–31-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

114 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 16 августдаги ПФ–1213-сон Фармониغا ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ–227-сон, «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ–229-сонли қарорларига мувофиқ ҳамда халқ таълими ва тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилганлиги муносабати билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 16 августдаги ПФ–1213-сон Фармони 8-бандининг барча турдаги тиббиёт муассасалари ва умумтаълим мактабларига тааллуқли бўлган қисми 2006 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 апрель,
ПФ–3730-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

115 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросини ташкил этиш тўғрисида

Муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш билан боғлиқ йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш сифатини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида нефть-газ саноати,

геология, энергетика, кимё, металлургия, машинасозлик каби иқтисодийнинг базавий тармоқлари корхоналарини, шунингдек йирик объектлар ва гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш билан боғлиқ Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Бюро раҳбари айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Маслаҳатчиси ҳисобланади.

Янги ташкил этилаётган Бюро зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ёки Қарори, шунингдек ҳукумат қарори билан тасдиқланиши лозим бўлган мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида қарорлар қабул қилиниши учун экспертизадан ўтказиш ва тавсияномалар тайёрлаш вазифаси юклансин. Тавсияномалар қуйидаги баҳо-лар асосида тайёрланади:

лойиҳа бўйича инвестиция сарф-харажатларининг тўғрилиги, ишлаб чиқариш учун танланган технологиянинг асосланганлиги, энг яхши маҳаллий ва хорижий аналогларни қиёслаш асосида ишлаб чиқариш циклининг яхлитлиги ва тугаллиги;

ҳар томонлама асосланган замонавий технологиялардан, бутловчи буюмлар, ёқилғи-энергетика, хом ашё ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш талабларига амал қилган ҳолда уларни маҳаллийлаштириш ва таъминланиш даражасини танлаш;

талаб этилаётган саноат жиҳозлари, асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар, шу билан бирга импорт бўйича сотиб олинаётганларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг техник даражаси ва таклиф этилаётган технологияга мувофиқлиги асосида таснифлаш;

маҳсулотнинг нарх ва сифат тавсифи бўйича рақобатбардошлиги даражаси, маҳсулотларни сотишнинг узоқ муддатли бозорини чуқур ишлаб чиқиш;

маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим лойиҳалари, шунингдек конлар ёки ер ости қатламларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун қўйилган талаблар.

2. Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюроси ҳақидаги низом ва унинг тузилмаси 1 ва 2- иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Қарори, шунингдек ҳукумат қарори қабул қилиниши зарур бўлган мақсадли давлат дастурларига киритилган инвестиция лойиҳалари, концепциялар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари асосида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилишини назарда тутадиган;

марказлаштирилган манбалар ресурслари ҳисобига ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати билан хорижий кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган;

маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари мажбурий равишда Бюрода экспертизадан ўтказилади.

Бюрога белгиланган тартибда шартнома асосида лойиҳаларни тўлиқ ва чуқур экспертизадан ўтказиш учун юридик субъектлар ва жисмоний шахсларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда Бюрода иқтисодийнинг базавий тармоқларидаги корхоналарда амалга оширилиши тавсия этилаётган лойиҳавий таклифлар ва инвестиция лойиҳа-

лари бўйича экспертиза ўтказиш ва тавсияномалар тайёрлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Бюрони қисқа муддатларда саноатнинг базавий тармоқларидаги лойиҳалаштириш ва қурилиш, технология жараёнлари, ер ости қатламларидан оқилона фойдаланиш соҳаси бўйича чуқур билимларга эга бўлган юқори малакали кадрлар билан таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросини жорий таъминлаш ва техник жиҳозлашга зарур бюджет маблағларини ажратишни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 3 апрель,
ПҚ-316-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 3 апрелдаги
ПҚ-316-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан
ўтказиш бюроси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган юридик шахс бўлмаган эксперт органи ҳисобланади ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига бўйсунди.

2. Бюро ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларига, шунингдек экспертизанинг комплекслиги, ҳолислиги, мустақиллиги тамойиллари ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Бюро белгиланган шаклдаги (гербсиз) бланкка эга. Бюронинг масъул ходимларига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири имзолаган гувоҳномалар берилади.

II. Бюронинг асосий вазифалари

4. Бюронинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ёки Қарори, шунингдек ҳукумат қарори билан тасдиқланиши лозим бўлган мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида қарорлар қабул қилиниши учун экспертизадан ўтказиш ва қўйидаги баҳолар асосида тавсияномалар беришдан иборат:

лойиҳа бўйича инвестиция сарф-харажатларининг тўғрилиги, ишлаб чиқариш учун танланган технологиянинг асосланганлиги, энг яхши маҳаллий ва хорижий аналогларни қиёслаш асосида ишлаб чиқариш циклининг яхлитлиги ва тугаллиги;

ҳар томонлама асосланган замонавий технологиялардан, бутловчи буюмлар, ёқилғи-энергетика, хом ашё ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш талабларига амал қилган ҳолда уларни маҳаллийлаштириш ва таъминланиш даражасини танлаш;

талаб этилаётган саноат жиҳозлари, асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар, шу билан бирга импорт бўйича сотиб олинаётганларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг техник даражаси ва таклиф этилаётган технологияга мувофиқлиги асосида таснифлаш;

маҳсулотнинг нарх ва сифат тавсифи бўйича рақобатбардошлиги даражаси, маҳсулотларни сотишнинг узоқ муддатли бозорини чуқур ишлаб чиқиш;

маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим лойиҳалари, шунингдек конлар ёки ер ости қатламларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун қўйилган талаблар.

III. Бюронинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

5. Юкланган вазифаларни амалга ошириш учун Бюро қўйидаги ҳуқуқларга эга: Вазирлар Маҳкамасининг таркибий тузилмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Бюро ваколатига кирувчи масалалар бўйича материалларни талаб қилиб олиш;

белгиланган тартибда шартнома асосида лойиҳаларни тўлиқ ва чуқур экспертизадан ўтказиш учун юридик субъектлар ва жисмоний шахсларни жалб этиш;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг ахборот ва маълумотлари электрон базасидан фойдаланиш.

6. Бюро директори:

сифатсиз ва ўз вақтидан кечиктирилган ҳолда ўтказилган экспертиза натижасида давлатга жиддий иқтисодий зарар етганлик;

экспертиза ўтказишда йўл қўйилган камчиликлар оқибатида қурилиш, технологик цикллар ва алоҳида операциялар муддатини чўзиб юборганлик;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қоида ва талабларига ҳамда мазкур Низомга риоя этилмаганлиги сабабли жиддий техноген ва бошқа авариялар содир бўлганлиги;

зарур ҳолларда лойиҳа бўйича унинг мақсад ва вазифаларини таъминловчи асосланган муқобил тавсиялар тайёрланиши;

иш жараёнида Бюро ходимлари олиши мумкин бўлган маълумотларнинг маҳфийлиги;

ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгардирлар.

7. Бюронинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ҳамкорлиги Бюро ваколати доирасида мазкур Низом билан белгиланган мустақиллик асосида қўрилади.

IV. Бюро ходимлари фаолиятини моддий рағбатлантириш

8. Бюро ходимлари фаолиятини моддий рағбатлантириш мақсадида Бюро директори:

ходимларнинг юқори малакаси, маҳорати ва иш сифатига қараб ойлик лавозим маошининг 100 фоизигача миқдорда доимий устама ҳақ;

катта иқтисодий самара берадиган комплекс экспертизанинг юқори сифатли ўтказилгани учун ходимларга ойлик лавозим маошининг (доимий устама ҳақни ҳисобга олмаган ҳолда) 100 фоизигача миқдорда бир йўла мукофот белгилаш ҳуқуқига эга.

Бюро директорига кўрсатилган миқдордаги доимий устама ҳақ ва бир йўла мукофот Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан белгиланади.

9. Бюро ходимларига доимий устама ҳақ ҳар чоракда белгиланади ва ходимларнинг талаб этилган иш сифатини таъминлашларига қараб навбатдаги чоракда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

10. Экспертиза ўтказилишида бир йўла мукофотланиш ҳуқуқини берувчи иқтисодий самара баҳоси Бюро директори томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

11. Бюро ходимларига доимий устама ҳақ ва бир йўла мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тўланади.

V. Бюро фаолиятини ташкил этиш

12. Бюро ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ҳисобот беради.

13. Бюро ўз фаолиятини унга юклатилган асосий вазифаларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестиция лойиҳалари (лойиҳавий таклифлар)ни экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ бўлган топшириқларига мувофиқ амалга оширади.

14. Бюро фаолиятини директор бошқаради, у лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси ҳисобланади.

15. Бюро директори ва экспертлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва озод этилади.

16. Бюро директори:

Бюро фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва Бюро зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

Бюро экспертлари орасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари ва Бюронинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқа ҳужжатларнинг белгиланган тартибда Бюрога киритилган лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этади, тегишли экспертиза ўтказилишини, таҳлилий ва маълумот берувчи материаллар тайёрланишини таъминлайди;

экспертиза якунини умумлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири учун масъулиятли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги ва техник имкониятлари тўғрисида қарор қабул қилишга имкон берадиган асосланган тавсияномаларни тайёрлайди.

Бюро директори вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тайинлайдиган Бюро экспертларидан бири бажаради.

17. Бюро экспертлари:

Ўзларига бириктирилган масалалар бўйича лойиҳаларни пухта комплекс экспертизадан ўтказадилар, Бюро директори топшириқларини бажарадилар, эксперт баҳоларининг ўз вақтида тайёрланиши ва сифати учун шахсан жавобгар бўладилар;

Бюро директорининг топшириғи билан тегишли таҳлилий ва маълумот берадиган материалларни тайёрлайдилар.

VI. Бюро фаолиятини таъминлаш

18. Бюронинг таъминланиши ва техник жиҳозланиши давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

19. Бюронинг ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати ходимлари учун белгиланган тиббий, маиший ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари жорий этилади.

20. Зарур ҳолларда, Бюро ўзига юкланган вазифаларни бажариш доирасида чақирилган алоҳида экспертларни контракт асосида жалб этиш ва меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда амалга оширилади ва ҳукумат аппарати бўйича тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади.

+

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 3 апрелдаги
ПҚ-316-сон қарорига
2-ИЛОВА

-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюроси тузилмаси

1. Бюро директори — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси	— 1
2. Ёқилғи-энергетика комплекси лойиҳалари бўйича эксперт	— 2
3. Кимё ва металлургия саноати лойиҳалари бўйича эксперт	— 2
4. Машинасозлик лойиҳалари бўйича эксперт	— 2
5. Енгил саноат лойиҳалари бўйича эксперт	— 1
6. Агросаноат комплекси, шунингдек йирик объектлар ва гидротехника иншоотлари қурилиши лойиҳалари бўйича эксперт	— 1
7. Транспорт коммуникациялари ва алоқа лойиҳалари бўйича эксперт	— 1
Жами:	— 10

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

116 «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси фаолиятининг айрим масалалари тўғрисида

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида санитария-эпидемиология талабларига риоя қилиш бўйича ишларни яхшилаш, шунингдек унинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг:

Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, унинг йўналиш филиалларини, шунингдек Тошкент темир йўл бўлимининг Карантинли ва ўта хавfli юқумли касалликларнинг олдини олиш марказини «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси таркибига бериш;

Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида давлат санитария-эпидемиология назорати марказини жойлардаги йўналиш филиаллари билан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг Марказий санитария-эпидемиология станцияси, Тошкент темир йўл бўлимининг Карантинли ва ўта хавfli юқумли касалликларнинг олдини олиш марказини — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Ўлатга қарши йўл станцияси этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда 2006 йил 15 апрелга қадар ушбу бандда кўрсатилган муассасаларнинг асосий фондларини белгиланган тартибда қабул қилиш-топширишни тугалласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда 2006 йил учун Республика бюджетининг харажатлар параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва унинг йўналиш филиалларини, Тошкент темир йўл бўлимининг Карантинли ва ўта хавfli юқумли касалликларнинг олдини олиш марказини 2006 йил 15 апрелдан бошлаб бюджетдан молиялаштиришни тўхтатсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси Уставини, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси ходимлари интизоми тўғрисидаги низомни ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси шахсий таркибининг формали кийим-боши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 3 июлдаги 249-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.М. Ханов ҳамда Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 31 март,
53-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 31 мартдаги 53-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 1-сон қарорида:

2-илованинг 36-позициясида:

3-устундаги «4027» ва «1035» рақамлари тегишли равишда «4000» ва «1008» рақамлари билан алмаштирилсин;

6-устундаги «3324» ва «791» рақамлари тегишли равишда «3297» ва «764» рақамлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг 17-позициясида:

3-устундаги «2746» ва «2582» рақамлари тегишли равишда «2773» ва «2609» рақамлари билан алмаштирилсин;

6-устундаги «2232» ва «2112» рақамлари тегишли равишда «2259» ва «2139» рақамлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 3 августдаги 366-сон қарорида:

1-иловада «Ижтимоий инфратузилмалар» бўлимида «Соғлиқни сақлаш муассасалари» блокадаги «16» рақами «18» рақами билан алмаштирилсин;

2-иловада «Соғлиқни сақлаш муассасалари» блокадаги «16» рақами «18» рақами билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

117 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
3 апрелда 1149-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 13 апрелдан кучга киради)

— Жаҳон бозорида пахта толаси нархининг пасайиши муносабати билан «Ўзпах-тасаноат» уюшмаси корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламиз:** +

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2002 йил 25 майдаги 66-сонли ва 218-В-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида низомга (2002 йил 12 июнь, рўйхат рақами 1149 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 11-12-сон, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 7-сон, 93-модда, 2004 й., 45-46-сон, 483-модда, 2005 й., 27-сон, 193-модда, 34-36-сон, 273-модда) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 2 март,
25-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 2 март,
218-В-5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PARVOZLAR XAVFSIZLIGINI NAZORAT
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

118 Почтани ҳавода ташишда почта юк хатлари шакли- ни белгилаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
3 апрелда 1556-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 13 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 101- моддасини бажариш бўйича ва почтани ҳаво кемаларида ташишни расмийлаштиришни тартибга келтириш мақсадида, шунингдек почтани ташиш сифатини ошириш учун, Бутунжаҳон почта конвенцияси низомларига амал қилиб **қарор қиламиз:**

1. Ички ҳаво йўлларида почта ташишларини расмийлаштириладиган почта юк хатлари 1-иловада* келтирилган шаклда (16-а, 16-б, 33-шакллар) белгилансин.
2. Халқаро ҳаво йўлларида почта ташишларини расмийлаштириладиган почта юк хатлари 2-иловада* келтирилган шаклда (CN 38, CN 41, CN 47, CN 45-шакллар) белгилансин.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
бошлиғи Х. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 16 март,
01-61/3-сон

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 16 март,
01-8/915-сон

* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

119 Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни
ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш тартиби
тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
3 апрелда 1557-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 13 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан ўн кун кейин кучга кирган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб амалдаги РЧДҚнинг 2001 йил 15 ноябрь 3-сон қарори билан тасдиқланган ҳамда (2001 йил 22 ноябрь, рўйхат рақами 1086) берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринбосари М.М. Сангилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 13 март,
81-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

120 Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
4 апрелда 1558-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 14 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 256-сон қарорининг бажарилишини таъминлаш ҳамда ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини тасдиқлаш мақсадида **буюраман:**

1. «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган санадан ўн кун ўтганидан кейин кучга киритилсин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 10 февраль,
42-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

121 Спорт-жисмоний тарбия клублари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
5 апрелда 1559-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 15 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг низомига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 13 январдаги 07/817-сон мажлис баёнини ижро қилиш мақсадида, **қарор қиламан:**

1. «Спорт-жисмоний тарбия клублари тўғрисида»ги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг 10 кундан кейин кучга киритилсин.

— **Маданият ва спорт ишлари вазири А. АЗИЗХЎЖАЕВ** +

Тошкент ш.,
2006 йил 10 февраль,
85-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 1 апрелдан 7 апрелгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 2 мартдаги 25 ва 218-В-5-сон қарори.*

2006 йил 3 апрелда 1149-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 13 апрелдан кучга киради).

2. «Почтани ҳавода ташишда почта юк хатлари шаклини белгилаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006 йил 16 мартдаги 01-61/3 ва 01-8/915-сон қарори.*

2006 йил 3 апрелда 1556-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 13 апрелдан кучга киради).

3. «Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2006 йил 13 мартдаги 81-сон қарори.*

2006 йил 3 апрелда 1557-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 13 апрелдан кучга киради).

4. «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2006 йил 10 февралдаги 42-сон қарори.*

2006 йил 4 апрелда 1558-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 14 апрелдан кучга киради).

5. «Спорт-жисмоний тарбия клублари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг 2006 йил 10 февралдаги 85-сон қарори.*

2006 йил 5 апрелда 1559-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 15 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисида низом *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланган (2001 йил 22 ноябрь, рўйхат рақами 1086)*.

Адлия вазирининг 2006 йил 3 апрелдаги 51-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Спорт-соғломлаштириш клублари тўғрисидаги Намунавий низом *Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан тасдиқланган (1999 йил 26 август, рўйхат рақами 807)*.

Адлия вазирининг 2006 йил 5 апрелдаги 53-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.